

ОДИЛ СУДЛОВ ЖАРАЁНИНИ ТАЪМИНЛАШДА СУДЬЯЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИНИНГ ЎРНИ

¹**Абдуқаххоров Сарварбек Абдусамат ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси ўқитувчиси

<https://orcid.org/0000-0001-7989-9116>,

²**Мирзажонов Муроджон Музаффар ўғли**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 3-курс 320-гуруҳ курсанти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7568584>

Ўзбекистонда суд ҳокимияти фаолияти ижтимоий адолат, ҳуқуқий тартиб, қонун устуворлигини кафолатлаш, фуқароларнинг Конституцияда мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини таъминлашга йўналтирилган. Ушбу вазифаларни суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминламасдан туриб амалга ошириш мушкул.

Суд ҳокимиятининг бошқа давлат тузилмаларидан ажратилиши давлатда қонун устуворлиги принципи, унда мустаҳкамланган эркинлик, адолат ва тенглик ғояларини татбиқ этишга қатъий аҳд қилинганидан далолат беради.

Суд ҳокимиятининг асосий мақсади жамият аъзоларини қонунга зид ҳаракатлардан ҳимоя қилишдир. Ҳокимиятнинг суд тармоғи мустақиллиги, энг аввало, шуни англатадики, ҳокимият тармоқлари ўртасидаги барча муносабатлар фақат қонун доирасида қурилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасида ҳам судларнинг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифалардан бири бўлиши зарурлигига алоҳида урғу берилганди [1].

Судьяларнинг мустақиллиги ва ҳуқуқий кафолатлари тизимининг ҳуқуқий базаси асосан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Судлар тўғрисида”ги Қонунида шакллантирилган. Мазкур ҳужжатларда “судьяларнинг мустақиллиги” тушунчаси мустаҳкамланди ва янги ҳуқуқий категория – “суд ҳокимиятининг мустақиллиги”нинг мазмуни очиқ берилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади [2].

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июлдаги “Судлар тўғрисида”ги 703-сонли Қонунининг 9-моддасида қуйидаги қоида келтирилган: “Судьялар мустақилдир, фақат қонунга бўйсунди. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади” [3].

Илмий адабиётларда қайд этилишича, қонун чиқарувчи “мустақиллик” атамасини фақат одил судловга, суд ва судьяга нисбатан ишлатади. Мисол учун, В.М. Савицкий “Судьялар мустақиллиги бу - суд фаолияти ташкиллаштирилишининг энг муҳим ва зарурий шarti бўлиб, фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликлари кафили сифатида унга давлатда осойишталик ва тинчликни таъминловчи бўлишига имкон беради” деган ғояни илгари сурган [4].

Суд мустақиллигида ҳал қилувчи омил судьянинг шахсидир. У оддий давлат хизматчисигина эмас, балки кенг маънода ўзида мамлакатимизнинг суд ҳокимиятини акс эттиради. Буни ҳар бир судья ҳам хизмат, ҳам хизматдан ташқаридаги фаолиятида ҳисобга олиши шарт.

Энг муҳими, судьянинг одил судловни адолатли ва мустақил равишда амалга ошираётганига ҳеч бир шубҳа туғилмаслиги керак. Шу муносабат билан “судьялар мустақиллиги” категориясининг мазмуни ва кафолатлари тизими алоҳида, чуқурроқ тадқиқ этилиши лозим. Судьялар мустақиллигининг асосий кафолатлари “Судлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган. Мазкур Қонуннинг 66-моддасига мувофиқ, судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашаётганга йўл қўйилмайди. Шунингдек, ушбу моддада муайян ишни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўришга тўсқинлик қилиш ёки ғайриқонуний суд қарори чиқарилишига эришиш мақсадида судьяларга бирон-бир тарзда таъсир ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган судьялар мустақиллигининг юридик кафолатлари суд ҳокимиятининг фақат ижтимоий ҳодиса ва давлат- ҳуқуқий институт сифатидаги мустақиллигининг ҳуқуқий кафолатлари, холос. Кафолатларнинг бошқа гуруҳига иқтисодий, ташкилий, сиёсий- мафкуравий, ахлоқий-маънавий кафолатларни ҳам киритиш керакки, судлар самарали фаолият кўрсатиши учун уларнинг аҳамияти катта. Мавжуд муаммоларнинг замирида объектив ҳолатлар (судларнинг ташкилий, молиявий муаммолари ҳамда судьяларнинг моддий таъминоти, шунингдек, айрим судьялар томонидан қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши) ҳам, субъектив омил (жиноят ишлари бўйича судлар фаолияти ҳақида аҳолининг хабардорлик даражаси пастлиги) ҳам ётади.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Фармонда учта асосий устувор йўналиш белгилаб берилган бўлиб, уларнинг биринчиси сифатида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлашга алоҳида аҳамият қаратилган [5].

Мазкур устувор йўналишни амалга ошириш мақсадида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг муҳим вазифаси этиб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 112-моддасида белгиланган судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунга бўйсунуши ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига оғишмай амал қилинишини таъминлаш белгиланди. Фармонга мувофиқ суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди. Хусусан, судьялик лавозимига биринчи мартаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди. Ўз навбатида судьялар мустақиллигининг кафолатланиши судьяларга ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, Конституция ва қонунларда белгиланган нормаларга қатъий риоя этиш, қонун

устуворлигини таъминлаган ҳолда суд ҳужжатини Ўзбекистон Республикаси номидан қабул қилиш судья учун биринчи галдаги вазифадир.

Шунингдек, 2020 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьялар чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги № ПФ-6127-сонли Фармони мазмунида ҳам судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар ўрин олган¹.

Фикримизча, судьяларни мустақиллигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар билан бир қаторда судьялар мустақиллигини таъминлашда тўсиқ бўлаётган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

Биринчидан, судьяларни ўзининг профессионал вазифалари хусусан одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятдан ташқари бошқа турли тадбирларга жалб қилинишини олдини олишга эришиш;

Иккинчидан, оммавий ахборот воситаларига кенг эркинлик ва имкониятлар берилиб, сўз эркинлигини таъминлаш билан бир қаторда уларнинг суднинг профессионал фаолиятини амалга оширишига аралашиш ҳолатларини олдини олиш;

Учинчидан, судьялар ва суд ходимларининг ижтимоий ва моддий таъминотини янада кучайтириш.

Юқоридагилар билан бир қаторда судьяларнинг ҳам масъулиятини кучайтириш, уларнинг қонун устуворлигини таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолияти давомида турли иллатлардан ҳоли инсон сифатида фаолият олиб боришига эришиш ҳам муҳимдир. Асосийси, танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик судьяларнинг кундалик қоидаси, фаолиятининг асосий мезони деб эътироф этилгани бугунги кун судьясига катта масъулият юклашини унутмаслик лозим.

References:

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
3. <https://lex.uz/docs/5534923>
4. Савицкий В.М., Ларин А.М Уголовный процесс. М. 2001 г. С.59.
5. <https://lex.uz/docs/3050491>

¹ <https://lex.uz/docs/5146554>